

## МАЪМУРИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛАДИГАН ИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

*Давронов Азизбек Баходир ўғли*

Сўнгги йилларда амалга оширилган маъмурий ислохотлар давомида бир қатор янгиликлар амалиётга жорий этилди, бунинг натижасида фуқаролар учун ҳам ҳуқуқ тармоғида ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Шундай ислохотлардан бири, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни алоҳида судлар тармоғини ташкил қилиш орқали ҳал қилиш тизими ишлаб чиқилди. Президентимизнинг 2017 йилда қабул қилинган Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси судлар тизимида 2017 йилнинг 1 июндан бошлаб оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган маъмурий судлар ташкил қилинди<sup>1</sup>.

Шу даврдан бошлаб суд тизимида янги суд тизими – маъмурий судлар тизими вужудга келди. Маъмурий ислохотлар давом этиб, 2021 йилдан бошлаб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий судлардан жиноят судлари судловига ўтказилди<sup>2</sup>. Бу орқали оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг судловга тааллуқлик нуқатаъи назаридан муҳим босқич бўлди. Эндиликда маъмурий судлар томонидан фақат фуқаролар ва давлат органлари ўртасида вужудга келадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик билан алоқадор бўлмаган ишлар кўриб чиқилиши белгиланди. Ҳозирги кунда ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида маъмурий соҳада қатор ислохотлар амалга оширилмоқдаки, буларнинг барчаси адолатли ва одил судловни амалга оширувчи суд тизимини яратишдан иборат. Бунда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизнинг 19-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг тенг эканлиги эътироф этилади. Шу билан бирга ушбу ҳуқуқлардан кимнидир маҳрум қилишга ёки кимнингдир ҳуқуқларини суднинг қарорисиз чеклаб қўйишга йўл қўйилмаслиги ҳам Конституциянинг 20-моддаси билан белгилаб қўйилган. Ушбу нормада келтирилишича фақат суд томонидан чиқарилган қонуний кучга кирган суд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони.

<sup>2</sup> “Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-665-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/665/0015-сон.

қарорлари орқали айрим ҳуқуқлар чеклаб қўйилиши мумкинлигини тушунишимиз мумкин.

Биз кўриб чиқмоқчи бўлган масала бу – маъмурий судлар орқали бузилган ҳуқуқнинг тикланиши ёки бузилиши мумкин бўлган ҳуқуқларнинг олиндини олишга қаратилган ҳаракатлар. Маъмурий судлар томонидан кўриладиган ишларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда тарафларнинг бири давлат органлари ёки давлат ҳокимияти ваколатларини амалага оширувчи органлар бўлиши билан бошқа юстиция судларидан фарқланиб туради. Бу шуни англатадики, тарафлар ҳар доим тенг эмаслиги бир тараф бошқа томонга нисбатан кучли бўлиб туришини англатади. Ушбу фарқлашни тушунтириш учун маъмурий суд тарафлари ва фуқаролик судидаги тарафлар ўртасидаги фарқ орқали тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз. Фуқаролик судларида кўриладиган масалаларнинг кўпчилиги шартнома ёки битимларнинг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган оқибатларни ҳал қилишга қаратилган бўлади. Бунда биз эътибор беришимиз керак бўлган нарса шундан иборатки, шартнома тарафлари тенг бўлади фуқаролар ёки юридик шахслар, фуқаролар ва юридик шахслар бўлиши мумкин. Бунда шартнома тузувчилар тенг бўлади ва шартнома шартларини ўзларининг истаклари бўйича белгилашга ҳаракат қилинади.

Маъмурий судларда эса фуқаролар бевосита давлат органлари билан муносабатга киришади натижада табиийки бир томон кучсизроқ бўлиб қолади. Яъни фуқаронинг давлат органи билан солиштирганда, давлат органи кўпроқ имкониятларга эга эканлигида акс этади. Иккинчидан, давлат органи билан муносабатга киришишда давлат органи белгилаб берган шартларга рози бўлиши керак бўлади, иккинчи тарафнинг фикрлари инобатга олинмайди. Шунинг учун ҳам маъмурий судларда кўриладиган ишларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Маъмурий судлар томонидан оммавий муносабатлардан келиб чиқтиладиган ишлар кўриб чиқилади. Оммавий ҳуқуқий низолар атамасини биринчилардан бўлиб Ю.Ф.Тихомиров илгари сурган бўлиб, унинг фикрича оммавий ҳуқуқий низо – ваколатли органлар томонидан қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқтиладиган ва оммавий характер касб этадиган низолар сифатида қараган<sup>3</sup>. Маъмурий соҳада изланиш олиб борган яна бир олим Минина оммавий ҳуқуқий низоларни тор маънода, давлат бошқарув органлари томонидан қонуний белгиланган ваколатни амалга ошириш мобайнида келиб чиқадиган низолар деб таърифлайди<sup>4</sup>. Юқорида берилган таърифларга эътибормизни қаратадиган бўлсак, Минина томонидан берилган таъриф тушунарлироқ берилган десак бўлади. Бугунги кунда оммавий ҳуқуқий низо дейилганда, давлат ҳокимият органлари ва фуқаролар, юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган

<sup>3</sup> Тихомиров Ю.А. Публично-правовые споры // право и эконимака. С.8-13.

<sup>4</sup> Минина А.И. Критерии арбитрабельности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. С. 982-987.

ижтимоий муносабатлардан келиб чиққан низоларни тушунишимиз мумкин. Биринчи навбатда оммавий ҳуқуқий низоларга эътибор қаратишимизнинг сабаби маъмурий судлар томонидан айнан оммавий ижтимоий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқадиган низоларни кўриб чиқишида ифодаланади. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекда маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ижтимоий муносабатларнинг рўйхати келтирилган бўлиб, қуйида уларнинг ҳар бирига тушунтиришлар берган ҳолда маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасига кўра, қуйидагилар маъмурий судлар томонидан хал этиладиган ишлар ҳисобланади.

*Биринчидан*, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича. Бунга мисол қилиб, бирорта ҳокимликнинг норматив характердаги қарори устидан низолашиш мумкин бўлади. Эҳтимол, ушбу қарорнинг қабул қилиниши ва кучга кириши айрим фуқароларнинг юридик шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатда дастлаб юқори турувчи органга мурожаат қилинади, агар юқори турувчи орган орқали муаммо ечилмайдиган бўлса, судга мурожаат қилинади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш ишлар Олий суд томонидан биринчи инстанция суд сифатида кўриб чиқилади.

*Иккинчидан*, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар юзасидан. Бунда маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки унинг мансабдор шахсининг қонунга зид хатти-ҳаракатлари устидан шикоят берилиши орқали бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳуқуқнинг тикланишига ва бузилиши олдини олишга олиб келади. Маъмурий органларнинг қарорлари ва уларнинг ҳаракатлари(ҳаракатсизлиги) устидан бундай шикоят қилиниши давлат органлари мансабдор шахсларининг ўз вазифаларини суиистеъмол қилинишининг олдини олишга олиб келади.

*Учинчидан*, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар юзасидан. Демократик ислохатлар амалга ошириладиган парламентар давлатда турли сайловлар амалга оширилади. Шундай ҳолатда сайловларнинг тўғри ўтказилиш устидан назорат қилувчи

органининг хатти-ҳаракатлари(қарорлари) устидан шикоят қилиниши бу конституция белгилаб қўйилган иснон ҳуқуқлари бузилган ҳолларда сайлов жараёнини назорат қилувчи органларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиниши, бу бевосита уларга ўз ишларига масъулият билан қарашига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмаслигига олиб келади.

*Тўртинчидан*, нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги низолар юзасидан. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, давлат органлари билан бир қаторда, давлат органи бўлмаган тарафлар ҳам бўлиши мумкин. Мисол учун, хусусий нотариусларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Бундай турдаги низолар ҳам маъмурий судларда кўп учрайди, чунки нотариал ҳаракатлар ва фуқаролик далолатномаларини ёзишни рўйхатга олувчи органлар билан муносабатга кундалик турмушда жуда кўп дуч келинади. Бундай ҳолатда нотариуслар томонидан нотариал ҳаракат оширилмаслиги бўйича низолар ёки фуқаролик далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахси рўйхатга олиш ёки ўзгартириш киртишни асоссиз рад этиладиган ҳолатларда юқори турувчи орган билан ҳал қилинмаган масалалар бўйича маъмурий судга мурожаат қилиш орқали ҳал қилиниши мумкин. Унга фуқаронинг талаби қаноатлантирилиши ёки фуқаронинг талаби асоссиз бўладиган бўлса суд томонидан қаноатлантирилмаслиги мумкин.

*Бешинчидан*, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар юзасидан давлат органларининг хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат қилинишини тушуншимиз мумкин бўлади. Мисол учун, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни белгиланган муддатда ўтказмаслик ёки адвокатлик лицензиясини рўйхатга олишни кечиктириш ёки асоссиз рад этиш ҳолатларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

*Олтинчидан*, инвестиция низолари бўйича низолар бўйича. Бунда тузилган инвестиция шартномаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан риоя қилинмаганлиги, шартномада кўрсатилган шартларнинг бажарилмаганлиги натижасида келиб чиқадиган низоларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

*Еттинчидан*, рақобат тўғрисидаги ишлар бўйича низолар. Маъмурий судларга тааллуқли рақобатга оид ишларга монополияга қарши органларнинг ва улар мансабдор шахсларнинг товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, қонун ҳужжатларига мос келмайдиган,

юримдик шахслар, шу жумладан, чет эллик юримдик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар тааллуқли ҳисобланади.

Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ундириш сўзсиз тартибда амалга оширилидиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади. Бунга мисол қилиб, инкассация топшириқномалари бўйича келиб чиқадиган низоларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Шунингдек, 2023 йилдан бошлаб маъмурий судлар томонидан аризачи томонидан кўрсатилган талаб билан сабабий боғланишда бўлган зарарлар масаласи ҳам кўриб чиқиладиган бўлди<sup>5</sup>.

Умуман олганда, маъмурий судлар томонидан кўриб чиқиладиган ишларнинг қайси доирада эканлигини билиш жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Биринчидан, бу масала бугунги кунда ҳал қилинди дейишимиз ҳам мумкин. Олдинлари бирорта суд юрисдикциясига тушмайдиган ариза билан борганизда, у суд аризангизни қабул қилмасди чунки унинг судловига тааллуқли бўлмаган бўлади. Бугунги кунда эса қайси судга қандай масалада мурожаат қилишингиздан қатиъи назар суд томонидан аризангиз(шикоятингиз) қабул қилинади ва судловга тааллуқлилиқ бўйича тегишли судга юборилиши қонун нормалари билан белгилаб қўйилган. Энди фуқаро давлат органи билан юзага келган низоларнинг маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилишини билиши, бу фуқаронинг ўзи учун ҳам ҳамда жамиятда ҳуқуқнинг онгинг ҳам ўсишига олиб келади.

Иккинчидан, сизнинг ҳуқуқингиз давлат органлари ёки давлат ҳокимияти ваколатларини амалга оширувчи органлар томонидан бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳуқуқнинг тикланишига ва ҳуқуқнинг бузилиши олдини олиш мумкин бўлади. Агар суд ҳокимияти шу фаолияти орқали тийиб туриш функцияларини ҳам амалга ошириши мумкин дейишимиз мумкин. Айнан давлат органлари билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши, бу унинг асосий ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Агар бошқа судлар юрисдикциясига қарайдиган бўлсак, давлат органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари бўйича низоларни

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида”ги 2023 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-833-сонли Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон.

ҳал қиладиган ишларни ҳал қилиш масалаи уларнинг ваколат доирасига киритилмаган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс;
3. “Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-665-сонли Қарори;
4. Ўзбекистон Республикаси “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида”ги 2023 йил 26 апрелдаги ЎРҚ-833-сонли Қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сонли Фармони;
6. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс. Дарслик. Тошкент – 2020;
7. Тихомиров Ю.А. Публично-правовые споры // право и эконимака. С.8-13;
8. Минина А.И. Критерии арбитрабельности спора // Актуальные проблемы российского права. 2014. С. 982-987.